



2018 йил 10-январь № 10

Farg'ona shahri

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 29 декабрдаги 1034-сонли қарори ҳақида**

Вилоятда электр ва газ таъминоти тизимини изчил модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш, ижтимоий-иқтисодий ўсиш, энергия тежамкор технологиялар ва муқобил энергия манбаларини жорий этиш, шаҳарсозлик норма ва қоидалари асосида бинолар ва иншоотларни қурилиши ва реконструкция қилинишида энергия тежамкор материаллар ва технологияларни қўллаш, бозор механизмларини кенг жорий қилиш орқали энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 1034-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида


**ҚАРОР ҚИЛМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 1034-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг 2004 йил 16 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли “Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳақида”ги 308-сонли қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Д.Ходжихмедов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Ш.Ғаниев

**Вилоят ҳокимининг  
2018 йил ..... январдаги  
.....-сонли қарорига  
илова**

**Вилоят ҳокимининг 2004 йил 16 ноябрдаги қарорига киритиладиган  
ўргартириш ва қўшимчалар**

1. Қарорнинг иловаси “Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги Низоми”нинг 3-бандига қуйидагилар қўшилсин:

“ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ошиб борувчи коэффицентлар ва тоифалар бўйича” сўзлари билан қўшилсин.

2. Қуйидаги мазмундаги 4<sup>1</sup> ва 4<sup>2</sup>-бандлар қўшилсин:

“4<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги “Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3379-сонли қарори иловасига мувофиқ рўйхатдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва алоҳида хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар электр энергияси (750 кВАгача қувватга уланган) учун тўловларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ошиб борувчи коэффицентлар ва тарифлар бўйича тўлайдилар”.

750 кВА ва ундан юқари қувватга уланган (бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) истеъмолчилар электр энергияси ҳақини иккинчи гуруҳ тарифлар бўйича тўловлар тўлайдиган юридик шахслар учун тариф миқдорида белгиланадиган сутка вақтлари зоналари бўйича табақалаштирилган тарифга асосан ҳисоб-китоб қилади.

4<sup>2</sup>. Ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатларида фойдаланилган электр энергияси учун тўловлар (тиғиз вақт – эрталабки ва кечки тиғиз вақт) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баровар миқдорида ошиб борувчи коэффицентни қўллаш орқали, энг кам юкламали соатларда эса (тунги давр – сутканинг қоронғи вақти) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баровар миқдорида камайиб борувчи коэффицентни қўллаш орқали ва ярим тиғиз вақтда (сутканинг ёруғ вақти) – ўрнатилган тариф бўйича тўланади.

Табақалаштирилган тариф сутка вақтининг қуйидаги зоналари бўйича қўлланилади:

тиғиз вақт – соат 06-00 дан 09-00 гача ва 17-00 дан 22-00 гача;

тунги вақт – соат 22-00 дан 24-00 гача ва 00-00 дан 06-00 гача;

ярим тиғиз вақт – соат 09-00 дан 17-00 гача.

Сутка вақти зоналари республиканинг барча ҳудудлари учун бир хил”.

3. 20-бандининг “б” кичик бандларидаги “қувват” ва “реактив қувват” сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Низомнинг 3-илоvasи матни куйидаги тахрирда баён қилинсин:

“20\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойидаги электр энергияси (актив, реактив)  
сарфи тўғрисида  
**ҲИСОБОТ**

Кўрсаткич ёзиб олинган сана - 20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

| Ҳисоблагич тури (актив, реактив), ҳисоблагичнинг заводда қўйилган рақами | Ҳисоблаш коэффициентлари       |                                     |        | Ҳисоблагич кўрсаткичи |        | Ҳисоблагич кўрсаткичидаги тафовут | Сарфи кВт.с., кВар.с. | Табақалаштирилган ҳисоб учун сарф, кВт.с (кВар.с) |     |                  |          |           |            |
|--|--------------------------------|-------------------------------------|--------|-----------------------|--------|-----------------------------------|-----------------------|---|-----|------------------|----------|-----------|------------|
|  | Ток трансформатори бўйича (ТТ) | Кучланиш трансформатори бўйича (КТ) | Умумий | бошланғич             | охирги |                                   |                       | Эрта-лабки тиғиз вақт                             | кун | кечки тиғиз вақт | Тун      |           |            |
|  |                                |                                     |        |                       |        |                                   |                       |   |     |                  | соат 6-9 | соат 6-17 | соат 17-22 |
|  |                                |                                     |        |                       |        |                                   |                       |   |     |                  |          |           |            |
|  |                                |                                     |        |                       |        |                                   |                       |   |     |                  |          |           |            |
|  |                                |                                     |        |                       |        |                                   |                       |   |     |                  |          |           |            |
|  |                                |                                     |        |                       |        |                                   |                       |   |     |                  |          |           |            |
|  |                                |                                     |        |                       |        |                                   |                       |   |     |                  |          |           |            |
|  |                                |                                     |        |                       |        |                                   |                       |   |     |                  |          |           |            |
|  |                                |                                     |        |                       |        |                                   |                       |   |     |                  |          |           |            |
|  |                                |                                     |        |                       |        |                                   |                       |   |     |                  |          |           |            |
| <b>Жами:</b>   |                                |                                     |        |                       |        |                                   |                       |   |     |                  |          |           |            |

**Истеъмолчи раҳбари**

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш. имзо, сана)

**Корхона вакили**

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш. имзо, сана)

**М.Ў.**

**Истеъмолчи бош бухгалтери**

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш. имзо, сана)

**Бош энергетик**

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш. имзо, сана)

5. Низомнинг 4, 5а, 6 ва 7-иловадаги “Реактив қувват”, “Кўрсатилган қувват”, “Қувватни белгилангандан ортиқча олиш” устунлар, қаторлар ва сўзлари чиқариб ташлансин.

